

**ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
КОРХОНАЛАРИНИНГ  
БОШ РЕЖАЛАРИ**

**ҚМҚ 2.09.01-2019**

**Расмий нашр**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ 2020**

**ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ**

---

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
КОРХОНАЛАРИНИНГ  
БОШ РЕЖАЛАРИ**

**ШНҚ 2.09.01-2019**

**РАСМИЙ НАШР**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

**Тошкент 2020**

УДК (69 + 728.96.01 1.2)(083.75)

**ШНҚ 2.09.01-19 “Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бош режалари” /**  
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлиги. 2019 й.

**ИШЛАБ ЧИҚИШДА ҚАТНАШДИ:**

“Ўздавқишлоққурилишлойиха” (А.К.Ибрагимов, Н.И.Гринёв, Э.Д.Григорьев, С.А.Мительман, Н.Е.Пилипчик, Р.М.Қодиров, В.Д.Шкуратов, А.И.Мелибоев, Е.К.Калмикова, Л.М.Агапова).

Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг “Племэлита” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси (к/х.ф.д. проф. Носиров, проф. Н.Х.Хабибулин).

Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти (вет.ф.д проф. А.О.Орипов, проф. Ш.М.Рўзиев).

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ёнғиндан сақлаш бошқармаси (А.Х.Якубов, Р.А.Аблязис, М.Т.Иброҳимов, А.А.Пугин).

Янги таҳрир “Қишлоққурилишлойиха” МЧЖ (И.С.Ахмедов. И.И.Усманходжаев, З.З.Юсупова – мавзу раҳбари, Ж.Ю.Мирзамухамедов, Ш.Шаристамбаев, И.С.Жўраев), ЎзР Қурилиш Вазирлиги (Р.Н.Хикматуллаев, Х.Х.Очилов, Б.С.Садиков) тмонидан ишлаб чиқилди.

**МУҲАРИРЛАР:** Ш.С.Хидоятов, Б.С.Садиков (ЎзР Қурилиш Вазирлиги), И.И.Усманходжаев (“Қишлоққурилишлойиха” МЧЖ).

**ТАСДИҚЛАШ УЧУН ТАЙЁРЛАНДИ:** ЎзР Қурилиш вазирлигининг Техник меъёrlаштириш, янги технологияларни жорий қилиш бошқармаси (Д.А.Ахмедов).

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 07.01.2020 г. 8-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Ушбу ШНҚ 2.09.01-19 “Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бош режалари” меъёрий хужжати амалга киритилиши муносабати билан ШНҚ 2.09.01-96 ўз кучини йўқотади.

Мазкур хужжат Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг рұхсатисиз тўлиқ ёки қисман чоп қилиниши, кўпайтирилиши ва тарқатилиши мумкин эмас.

© Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги. 2019 й.

# **ШАХАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАР**

**ШНҚ 2.09.01-2019**

## **ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ БОШ РЕЖАЛАРИ**

**Генеральные планы сельскохозяйственных предприятий**

**Master plans for agricultural enterprises**

Амалга киритилиш муддати 2020-01-04

### **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1 Ушбу шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (кейинги ўринларда ШНҚ деб юритилади) янги қурилаётган, қайта қурилаётган (реконструкция қилинаётган), таъмирланаётган, кенгайтирилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ишлаб чиқариш зоналарининг бош режаларини лойиҳалашга куйиладиган талабларни белгилайди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари (бундан кейин корхоналар деб юритилади) бош режаларини лойиҳалашда ушбу ШНҚда қайд этилмаган бошқа шу каби меъёрий хужжатлар талабларига риоя қилиш зарур.

1.2 Корхоналар бош режаларини лойиҳалаштириш топшириғига асосан ва туманни режалаштириш лойиҳаларига мувофиқ (истикболли ривожланиш режалари ва иқтисодиёт тармоқлари жойлашуви билан боғлиқ ҳолда) лойиҳалаш зарур.

1.3 Корхоналар ва алоҳида қишлоқ хўжалиги обьектларининг (кейинги ўринларда обьектлар деб юритилиди) бош режаларини лойиҳалашда қурилиш сифатини ошириш ва қийматини арzonлаштиришга имконини берувчи илғор ва иқтисодий тежамкор режавий ечимларга эришиш лозим.

1.4 Корхоналар ўзаро технологик жараён, умумий транспорт ва омборлар, энергетика ва санитар-техник қурилмалар билан бирлашган бино ва иншоотлар мажмуудан иборат.

1.5 Қўйидагилар қишлоқ хўжалиги корхоналари ва обьектлари ҳисобланади:

чорвачилик, паррандачилик, ҳайвонот ва пилла-қуртчилик фермалари;  
балиқчилик, қуён, от, чўчқа, тuya, туюқуш ва бошқалар;  
ветеринария даволаш муассасалари;  
иссиқхона (теплица) ва буғхона (парник) хўжаликлари;  
омихта ем тайёрлаш корхоналари;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бирламчи ишлов бериш ва қайта ишлаш корхоналари – консерва, сут, колбаса, вино, шакар ва ш.к. маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиши ва сақлашга ихтисослашган корхоналар;

қишлоқ хўжалиги машиналарини тузатиш ва сақлаш база (хўжалик)лари;

хўжалик ва қурилиш ҳовлилари, қурилиш материаллари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш корхоналари, ишлаб чиқариш хўжалик марказлари.

#### **ЭСЛАТМА:**

1. 1.5-бандда санаб ўтилган корхона ва обьектлардан ташқари қишлоқ хўжалиги корхоналари худудида дала шийтонлари, дон янчии инишоотлари, пахта қуритиш пункктлари, ёзги оромгаҳлар (чорва ва парранда учун) ва бошқа қишлоқ хўжалик обьектлари кўзда тутилиши мумкин.

2. Механик-тавъмиrlаши корхонаси таркибида тавъмиrlаши устахонаси, темирчилик хонаси, қишлоқ хўжалик машиналари ва техникасини сақлаши учун гараж ва шийтонлар кўзда тутилиши мумкин.

3. Қурилиш ҳовлисида дурадгорлик устахонаси, бетон, темирбетон буюмлар ва конструкциялар тайёрлайдиган инишоот ва ускуналар, гипс, қамишит, шлакоблоклар, гипс, алебастр ва сополдан ишланган буюмларни ишлаб чиқарадиган цехлар жойлашиши мумкин.

4. Хўжалик ҳовлиси майдонида отхона, турли устахоналар, машина ва комбайн тузатилиши устахонаси, қишлоқ хўжалиги анжомларини сақлаши омбори, қишлоқ хўжалик техникаси ва транспорт воситалари учун шийтонлар жойлашиши мумкин.

5. Қишлоқ хўжалик корхонасининг ишлаб чиқарishi худудида қозонхона, трансформатор подстанцияси, насос станциялари ва ишлаб чиқарishi учун зарур бўлган бошқа бино ва инишоотлар жойлашиши мумкин.

6. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бош режалари намунавий лойиҳаларни ва якка тартибда ишлаб чиқилган лойиҳаларни қўллаган ҳолда, экология, санитария ва ёнгина хавфсизлиги, зооветеринария, прогрессив-технологик, сейсмик ва бошқа меъёrlар ҳамда тавсияларга риоя қилган ҳолда лойиҳалаштирилиши лозим.

## **2. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШУВИ**

2.1 Корхоналар ва обьектлар қурилишини жойлаштириш учун ер майдонлари аҳоли пунктларининг бош режалари ёки қишлоқ (ммаҳалла) фуқаролар йиғинлари худудларини меъморий режалаштириш лойиҳаларига мувофиқ, бундай лойиҳалар бўлмаганда эса қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказилган келишувлар асосида танланади.

2.2 Корхоналарни аҳоли пунктлари, йўллар, энергия ва сув таъминлаш тармоқлари яқинида, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган, қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ёхуд қишлоқ хўжалигининг сифати ёмон ерларда жойлаштириш лозим.

2.3 Корхоналарнинг қурилиши учун ер майдонларини табиий рельефни сақлаб қолиш, ер сатҳи сувларини очик ариқлар тармоғи ёрдамида оқизиб юбориш, экинларни суғориш учун сув келтиришни таъминлаш ҳамда ер ишлари хажмини минимал даражагача камайтириш имкониятларни инобатга олган ҳолда танлаш тавсия қилинади.

2.4 Корхоналарнинг курилиши учун қишлоқ хўжалиги ерлари қонунчилигига белгиланган ҳолатларда ва тартибда ажратилиши мумкин.

2.5 Корхоналар, бино ва иншоотларни жойлаштиришда улар орасидаги масофа лойихалаш соҳасидаги санитария, ёнғин хавфсизлиги ва технологик меъёрларидан келиб чиқиб белгиланади. Қишлоқ хўжалиги биноларининг курилиш зичлиги 1-иловада келтирилган қўрсаткичлардан кам бўлмаган қийматларда қабул қилиниши тавсия этилади.

2.6 Электр, алоқа, сув, оқова сувлари, газ тармоқлари ва бошқа чизиқли иншоотлар одатда қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ерларнинг чегаралари, йўллар, ихота дарахтзорлари, мавжуд тармоқлар бўйлаб лойихалаштирилиши керакки, бунда қишлоқ хўжалиги ерлари билан банд бўлмаган худудлар орқали коммуникацияларга bemalol ўтадиган йўл қолдирилиши лозим.

2.7 Куйидаги жойларда корхоналар, бино ва иншоотларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди:

ер ости фойдали қазилмалари жойлашган худудларда,  
конлар ва бойитиш фабрикалари чиқинди уюмларининг хавфли зоналарида;

корхоналар, бино ва иншоотлар курилиши ва улардан фойдаланишга хавф туғдириши мумкин бўлган кўчки, сел оқимлари, қор кўчкилари бўлиши мумкин бўлган худудларда;

аҳоли пунктлари сув таъмоти манбалари санитар-мухофаза худудларининг биринчи зonasida;

курортларнинг санитар-мухофаза худудларининг биринчи ва иккинчи зоналарида;

шаҳарларнинг кўкаlamзорлаштириш худудларида;

одамлар соғлиги ва хаёти учун хавфли радиоактив ва бошқа чиқиндилар билан ифлосланган ер майдонларида;

кўриқхоналар ерларида;

маданий ва тарихий ёдгорликларнинг мухофаза зоналарида;

кўл, дарё, канал, булоқ ва сойларнинг қирғоқбўйи мухофаза зоналарида.

2.8 Корхоналар, бино ва иншоотларни дарё ва сув ҳавзаларининг қирғоқбўйи худудларида жойлаштирилганда корхоналар ер участкаларининг режадаги сатҳи тошқин мавсумида кўтарилиши мумкин бўлган (максимал) ҳисобланган сув сатҳига нисбатан камида 0,5 м баландроқ қабул қилиниши лозим. Ҳисобланган сув сатҳини қабул қилишда унинг энг юқори белгисини 50 йилда бир марта такрорланиш эҳтимоли билан қабул қилиниши керак.

2.9 Сув обьектларининг сувни мухофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария мухофазаси зоналари сув тўғрисидаги қонун хужжатлари билан белгиланади.

2.10 Минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари омборларини жойлаштиришда заарли моддаларнинг тупрокқа, ер ости сувлари ва сув ҳавзаларига тушишининг олдини олиш чора-тадбирлари кузда тутилиши лозим. Минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари омборлари сув хўжалиги ҳавзаларидан камида 2 км масофада жойлаштирилиши лозим.

2.11 Корхоналар, бино ва иншоотларни радиостанция ва бошқа маҳсус корхона ва обьектлар зоналарида жойлаштирганда лойиҳаланаётган корхона билан маҳсус обьектлар орасидаги масофа тегишли меъёрларга мувофиқ ёки ушбу обьектлардан фойдаланувчи ташкилотлар билан келишган ҳолда қабул қилиниши лозим.

2.12 Корхоналар, бино ва иншоотлар аэрором (аэропорт) яқинида жойлашганда, куйидаги ҳолатларда, лойиҳаларини ишлаб чиқиш пайтида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги билан келишиш лозим:

куш ва ёввойи ҳайвонлар (кемирувчилар)нинг оммавий тўпланишига олиб келувчи, аэроромнинг назорат нуқтасидан 15 км гача радиусда жойлашаганда;

баландлиги аэрором сатҳига нисбатан 50 м дан юқори бўлган ва аэроромнинг назорат нуқтасидан 30 км гача радиусда жойлашганда;

радиоалоқа ва электр узатиш тармоқлари (шу жумладан юқори кучланишли), шунингдек, радио ва электромагнит нурланишли бошқа обьектлар аэропортолди худудида жойлашганда;

аэроромолди худудда портловчи обьектлар жойлашганда;

аэроромолди худудда баландлиги ер сатҳидан 50 м дан юқори бўлган, фавқулодда газни ёқиши машъаллари жойлашганда;

парвоз кўринишини ва аэроромнинг учиш йўлаклари ҳолатини бузадиган обьектлар.

2.13 Технологик жараёнларида атроф-мухитга ифлослантирувчи ва заарли чиқиндиларни чиқарувчи корхоналар, бино ва иншоотлар турар жой ва жамоа бинолардан санитария зоналари билан ажратилиши лозим.

Санитария-муҳофаза зоналари ўлчамлари саноат корхоналарини лойиҳалаш бўйича санитария меъёрларига асосан қабул қилиниши керак.

Санитария-муҳофаза зоналари майдонлари фойдаланиладиган ер таркибидан чиқариб ташланмайди ва имкон қадар қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилиши лозим.

2.14 Санитария-муҳофаза зоналарида дон, мева, сабзавот омборларини, кўчат етказиш питомниклари ва ифлослантирувчи ҳамда заарли моддалар манбаи бўлмаган бошқа шу каби бино ва иншоотларни жойлаштириш мумкин.

2.15 Эни 100 м бўлган санитария-муҳофаза зонасининг чегарасида аҳоли яшайдиган зоналар томонидан 30 м кенгликда, эни 50 м дан – 100 м гача бўлган зоналар чегарасида эса камида 10 м кенгликдаги дарахтзор ва бутазорлар ташкил қилиш лозим.

2.16 Корхоналар ва алоҳида объектлар қурилиши учун ер майдонини ажратишида зарур кенглиқдаги санитария-мухофаза зonasини ташкил қилиш назарда тутилиши керак. Санитария-мухофаза зonasининг ўлчами амалдаги шаҳарсозлик, экология, санитария нормалари ва қоидаларига, шу жумладан СанПиН №0350-17 ва СанПиН №0339-16 талабларига мувофиқ белгиланади.

2.17 Бош режаларни ишлаб чиқишида чорвачилик, ҳайвонотчилик ва паррандачилик корхоналари ва дехқон (фермер) хўжаликлари учун ветеринария объектларини технорлогик лойиҳалаштириш меъёрларини инобатга олган ҳолда улар орасидаги масофа сақланишига риоя этилиши лозим.

2.18 Лойиҳалаштирилаётган объектлар учун ер майдонини танлаш бўйича асослантирувчи хужжатлар экологик экспертизасидан ўтказилиши шарт. Ижобий хулоса лойиҳалаштиришни давом эттириш учун асос бўлади.

### **3. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ БОШ РЕЖАЛАРИ**

3.1 Корхоналар ва ишлаб чиқариш зоналари бош режалари лойиҳасини ишлаб чиқишида қуидагилар назарда тутилади:

аҳоли пункти билан режали уйғунлигини, технологик, санитария, зооветеринария, экология ва ёнғин хавфсизлиги талабларини ҳисобга олиш ҳамда улар орасидаги энг кам масофага амал қилган ҳолда жойлаштириш;

технологик ва техник-муҳандислик талаблар мажмусини бажариш, маҳаллий шароит ва миллий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда ягона меъморлик ансамблини яратиш;

корхоналар ва ишлаб чиқариш зоналарининг атроф-мухитга таъсирини баҳолаш (2-иловага қаралсин);

корхоналарининг ишлаб чиқариш зонаси ва аҳоли пункти ҳудудларни кенгайтириш имкониятларини ўзаро боғлаш;

ер ости ва ер усти муҳандислик тармоқларини улаш ва уларга хизмат кўрсатиш учун тўсиксиз ўтиши жойларни назарда тутиш;

курилиш ишлари жараёнида қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдор тупроқ қатламини кесиб олиш ва қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш, бўзилган ерларни тиклаш (рекультивация);

войиҳа ечимларида техник-иктисодий самарадорлигининг оширилишини таъминлаш;

ёнғин хавфсизлиги талаблари бажарилишини таъминлаш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиш, ўт ўчириш техникаси харакати, кириш ва бурилиш йўлларини таъминлаш, белгиланган меъёрга мувофиқ бирламчи ўт ўчириш воситалари, ўт ўчириш резервуарлари, ҳовузлар, сув қувурларини ШНҚ 2.04.02 бўйича жойлаштириш.

3.2 Қишлоқ аҳоли пунктларида қайта қурилаётган корхоналари ва ишлаб чиқариш зоналари бош режаларини ишлаб чиқишида қуидагиларни назарда тутиш тавсия этилади:

корхоналарнинг ишлаб чиқариш объектларини бир жойга жамлаш, ишлаб чиқариш зоналарини режалаштириш ва қуришда қайта қурилаётган корхоналарни кенгайтириш учун ер участкаларни аниқлаш;

ишлаб чиқариш ва санитария-муҳофаза зоналарида ободонлаштириш даражасини ошириш, корхона худудида автомобиль транспорти учун тухташ жойларини ташкил қилиш, биноларнинг меъморий сифатини яхшилаш.

**3.3** Корхоналарни аҳоли пунктларига нисбатан, минерал ўғит ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари омборларини турар жой, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига нисбатан шамолга тескари қилиб жойлаштириш керак.

**3.4** Аҳоли пунктларидаги корхоналар, бино ва иншоотлар уларнинг ишлаб чиқариш жараёнларининг бир хил ва ўзига хос бўлган хусусиятларни инобатга олган ҳолда, шунингдек санитария, зооветеринария, экология ва ёғин хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда ишлаб чиқариш зоналарига бирлаштирилиши ҳамда қуидаги участкалар ташкил этилиши лозим:

- а) корхоналар майдончалари;
- б) умумий бўлган ёрдамчи ишлаб чиқариш объектлар (қозонхона, трансформатор, газ тақсимлаш пункти, насослар ва ш.к.);
- в) омборлар.

**3.5** Корхоналарнинг ҳудудлари қуидаги функционал майдончаларга тақсимланади:

- а) ишлаб чиқариш;
- б) хом ашё (озуқа)ни сақлаш ва тайёрлаш;
- в) ишлаб чиқариш чиқиндиларини сақлаш ва қайта ишлаш.

**3.6** Корхоналари ҳудудига асосий кириш жойи (проходной)ни асосий кириш томонидан ёки ёндаш йўли томонидан кузда тутилиши керак.

**3.7** Кiriш жойининг олд томонида очиқ майдончалар кўзда тутиш тавсия қилинади. Бундай майдончаларни гулзорлар, чироқдонлар ва бошқа кичик меъморчилик шакллари билан безаш тавсия қилинади.

**3.8** Корхона ишчиларига тегишли автомашиналар турадиган майдончалар хўжаликнинг реал эҳтиёжлари ва истиқболдаги ривожланишидан клиб чиқиб кўзда тутилади. Шахсий транспорт турар жойнинг ўлчами бир автомобил учун  $25 \text{ m}^2$  хисобидан қабул қилинади.

**3.9** Корхоналарнинг бино ва иншоотлари жойлашуви технологик лойиҳалаш меъёрларидан келиб чиқиб қабул қилинади.

**3.10** Узун аэрация ёритгич (фонарь)лари бўлган ва ҳаво алмаштириш учун деворида туйнуклари бўлган бинолар ёз мавсумидаги қучли шамол йўналишига нисбатан бўйлама ўқи бўйича перпендикуляр ёки  $45^\circ$ дан кам бўлмаган бурчак остида йўналтирилиши керак.

3.11 Ҳайвонлар (қора мол) учун боқиши да майдончалари бўлган уч деворли шийпонни қуришда шийпоннинг чекка (торец) ёки берк томонини шамолнинг кучли эсадиган (шамол эсишининг йиллик ўртача кўрсаткичи асосида) томонга қаратиш тавсия этилади.

Бунда шийпоннинг очик томони эрталабдан шийпон хоналарига қуёш нурлари тушиши, поллар ва тўшамаларнинг қуритилиши нуқтаи-назардан келиб чиқиб шарқ – жанубий-шарқ оралиғида бўлган томонга йўналтирилиши лозим.

3.12 Ветеринария муассасалари (санитар кўригидан ўтказиш пунктидан ташқари), қозонхоналар, очик гўнг сақлаш жойларини чорвачилик, паррандачилик, ҳайвонотчилик бинолари ва иншоотларига нисбатан шамолга тескари қилиб жойлаштириш керак.

3.13 Қир-адирлик (тоғли) худудларда иссиқхоналар ва буғхоналарни лойихалашда, одатда, ер ости сувларининг энг юқори сатҳи ер устидан камида 1,5 м чукурлиқда бўлган, жанубий ёки жануби-шарқий ёнбағирларда жойлаштирилади.

3.14 Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш жойлари ва омборлари ер ости сувларининг энг юқори сатҳи ер устидан камида 1,5 м чукурлиқда бўлган, сершамол ер участкаларида жойлаштирилади.

3.15 А, Б ва В ишлаб чиқариш тоифаларга оид бино ва иншоотлар, шунингдек минерал ўғит ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари омборларини бошқа ишлаб чиқариш бино ва иншоотларига нисбатан шамолга тескари қилиб жойлаштирилиши лозим.

*Эслатма:* Чорвачилик, паррандачилик ва ҳайвонотчилик корхоналарини лойихалашда озуқа цехлари ва дагал ем-хашак омборлари технологик лойихалаш меъёрларига мувофиқ жойлаштирилиши лозим.

3.16 Корхона майдончасида қарама-қарши жойлашган биноларнинг жойига кўчириш чекка ўқлари, одатда, бир чизиқда бўлиб, бинонинг меъморий композиция мажмуасини шакллантириш, шу билан бирга мухандислик-техник таъминотининг иқтисодий ечимиға имкон яратиши лозим.

3.17 Ўт ўчириш деполари, одатда, умумий йўллар тармоғига чиқадиган, алоҳида ер участкаларида жойлаштирилиши, бунда деподан чиқиши йўли подани ҳайдаб ўтиш йўллари билан кесиши маслиги (тўсиқ билан ўралган бўлиши) керак.

Ўт ўчириш депоси, одатда, А, Б ва В тоифадаги ишлаб чиқариш корхоналари жойлашган худудларда – 2 км, Г ва Д тоифадаги корхоналар жойлашган худудларда – 4 км хизмат кўрсатиш радиусидан келиб жойлаштирилиши лозим.

*Эслатма:* Мазкур радиус оралиғига узоқлашган ҳолларда корхоналарнинг худудларида бир автомобилга мўлжалланган ёнгингдан сақлаши пости кўзда тутилиши керак.

3.18 Ўт ўчириш деполари ва постларининг ер участкалари ўлчамлари ШНК 2.07.01 ва ШНК 2.09.21 да белгиланган меъёрларга мувофик қабул қилинади.

3.19 Пахта хом ашёси харамлари ўртасидаги ёнғинга қарши оралиқ масофа 3.1-жадвал бўйича, пахта харамларидан бино ва иншоотларгача бўлган масофа 3.2-жадвал бўйича белгиланади.

3.20 Айвонлар ва юк ортиш платформаларидан, шунингдек, очиқ майдонда тахланган пахта-тола тойларидан пахта тозалаш заводлари худудидаги бино ва иншоотларгача бўлган ёнғиндан сақлаш оралиги 3.3-жадвал бўйича белгиланади.

3.21 Чигит омборлари ва улар сақланадиган очиқ майдончалар орасидаги ёнғиндан сақлаш оралиги 3.4-жадвал бўйича белгиланади.

### 3.1-жадвал

т/р	Ёнғинга қарши оралиқлар номи	Ёнғинга қарши оралиқлар катталиги
1.	Харамларнинг узуна томонлари	30 м
2.	Харамларнинг ён томонлари	20 м
3.	Харамларнинг узуна ва ён томонлари	30 м
4.	Харамлар грухси	30 м

*Эслатма: Пахта ҳом ашёси харами сақланадиган майдончанинг ўлчами қўйидаги бўлганда харамларни гуруҳлаштиришга рухсат этилади: 25 x 14 – кўти билан 4 та тойгача; 22 x 11 – кўти билан 6 та тайгача.*

### 3.2-жадвал

т/р	Бино ва иншоотлар	Ўт ўчириш резервуарлари
1.	I - II даражали ўтга чидамли бино ва иншоотлар	30 м
2.	III - даражали ўтга чидамли бино ва иншоотлар	40 м
3.	IV - V даражали ўтга чидамли бино ва иншоотлар	50 м
4.	Электр ёритиш тармоғининг устунлари	устун баландлигининг 1,5 баравари
5.	Енгил ёнувчан ва ёнувчан суюқликлар омборлари	50 м
6.	Ҳаракати ташкиллаштирилган темир йўллар ўқлари	50 м
7.	Завод ичидаги ҳаракатланувчи темир йўллар ўқлари	30 м
8.	Автомобилларнинг ўтиш йўллари	10 м

### 3.3-жадвал

т/р	Сақлаш жойининг номи	Бино ва иншоотларнинг ўтга чидамлилик даражасига кўра ёнғиндан сақлаш оралиги, м		
		I, II	III	IV, V
1.	Айвонлар	16	20	30
2.	Пахта толаси тойининг тахлами	30	40	60

## 3.4 жадвал

Т/Р -	Чигит омборлари	Биноларнинг ўтга чидамлилик даражасига кўра ёнғиндан сақлаш оралиғи, м		
		I-II	III	IV V
1.	Чигит сақланадиган I - II даражали ўтга чидамли ёпиқ омборлар	10	12	16
	III - даражали ўтга чидамли омбор	12	16	16
	IV - V даражали ўтга чидамли омбор	16	18	20
2.	Чигит сақланадиган очик майдончалар	8	10	12

**Эслатма:**

*Чигит сақланадиган очик ва ёпиқ омборхоналар пахта хом ашёси харамларидан камида 30 м узоқликда жойлаштириши керак.*

*Дон маҳсулотлари омборларини лойиҳалашда ёнғиндан сақлаш оралигини камида 100 м, бино ва иншоотлардан 50 м узоқликда қуриши кўзда тутилади.*

*Дала шийтонидан бугдойзоргача бўлган масофа 100 м дан кам бўлмаслиги шарт.*

*Қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлайдиган устахона бинолари бугдойзорлардан камида 30 м узоқликда жойлаштириши зарур.*

#### 4. БИНО ВА ИНШООТЛАР ОРАСИДАГИ МАСОФАЛАР, ЧИҚИШ-ЎТИШ ЙЎЛЛАРИ

4.1 Корхоналарнинг ташқи транспорт алоқаларини туманин режалаш лойиҳаси ва аҳоли пунктининг бош режаси билан боғлиқ ҳолда кўзда тутиш керак. Йўллар тармоғи барча корхоналар билан транспорт алоқаларини таъминлай олиши керак.

4.2 Корхоналарнинг бинолари ва иншоотларидан умумий тармоқ темир йўли ўқигача бўлган масофа технологик лойиҳа меъёrlарига мувофиқ қабул қилиниши ва камидаги:

II даражали ўтга чидамли бино ва иншоотлардан – 40 м;  
 III даражали ўтга чидамли бино ва иншоотлардан – 50 м;  
 IV ва V даражали ўтга чидамли бино ва иншоотлардан – 60 м бўлиши керак.

4.3 Ер сатҳи 5 га дан ортиқ бўлган корхоналар камидаги иккита киришчиқиши йўлига эга бўлиши, улар орасидаги масофа тўсиклар периметри бўйича 1500 м дан ошмаслиги керак.

4.4 Корхоналар худудида транспорт харакати алоҳида: тайёр маҳсулотлар учун, ем-ҳашак ва гўнг ташиш учун лойиҳалаштирилади. Уларнинг қўшиб харакатланиши ёки ўзаро кесишишига йўл қўйилмайди.

4.5 Очик ҳаводаги ёки иситилмайдиган иморатлардаги иш жойларидан санитария-маишӣ хизмат кўрсатиш хоналаригача (дам олиш, исиниш учун ва б., ҳожатхонадан ташқари) бўлган масофа 150 м дан, ҳожатхонагача – 75 м дан ошмаслиги керак.

4.6 Корхоналар худудидаги ўтиш йўлларининг эни, транспорт, пиёдалар йўли, подаларни хайдаб ўтиш йўл, муҳандислик тармоқлар, кўкарамзорларни ихчам жойлаштириш шароитига қараб, бироқ қарама-қарши жойлашган бино ва иншоотлар орасидаги масофа ёнгин хавфсизлиги, санитария, зооветеринария жиҳатидан оралиқ масофаларидан кам бўлмаслиги керак.

4.7 Корхоналарнинг автомобиль йўллари ва пиёдалар йўлаклари автомобиль йўллари лойиҳалаштиришга доир ШНҚга мувофиқ лойиҳалаш даркор.

4.8 Корхоналарнинг худудига кирадиган дарвоза эни бу корхоналар учун қабул қилинган автомобиль ёки қишлоқ хўжалиги транспорт воситалари учун белгиланганидан 1,5 м дан кенгрок, лекин камида 4,5 метр кенглиқда қабул қилиш керак.

4.9 Бино ва иншоотлардан автомобиль қатнови йўлининг чеккасигача бўлган масофа 4.1-жадвал бўйича қабул қилинади.

Корхона бино ва иншоотларидан (ўтга чидамлилик даражасидан қатий назар) баргли ўрмонзор чегарасигача бўлган масофа 20 м, игнабаргли ўрмонзоргача – 50 м қилиб қабул қилиниши керак.

#### 4.1 жадвал

<b>Бино ва иншоотлар</b>	<b>Масофа, м да</b>
1. Бино ва деворларнинг ташки қирраси:	
а) бинога кириш йўли бўлмай, бинонинг узунлиги 20 м гача бўлганида	1,5
б) шунинг ўзи, 20 м дан ошиқ бўлганда	3,0
в) электрокар, автокар, автоюклагич ва икки ўкли автомобиллар учун бинога кириш йўли мавжуд бўлса	8,0
г) уч ўкли автомобилларнинг бинога кириш йўли мавжуд бўлса	12,0
2. Эни 0,6 м ли сув чиқариш (ирригация) ариғи бўлганда	йўлнинг четигача
3. Корхона ҳудудининг девори (панжараси)дан	
а) агар йўл ёқасида ирригация ариғи бўлмаса	1,5
б) шунинг ўзи, ирригация ариғи бўлса	2,0
4. Ёритиш устунлари, мачталар	
а) агар йўл ёқасида ирригация ариғи бўлмаса	1,0
б) шунинг ўзи, ирригация ариғи бўлса	1,5

4.10 Эни 18 м гача бўлган бино ва иншоотларнинг бутун узунлиги бўйлаб бир томонидан ва эни 18 м дан ортиқ бўлганларининг икки томонидан ўт ўчириш машиналарининг беъмалол келиб тўхташ имконияти таъминланиши лозим.

4.11 Ўт ўчириш сув таъминотининг асосий манбаи бўлган ҳовузлар ҳамда сув совутиш иншоотлари, сув сачратиш бассейнлари ва ўт ўчиришда ишлатиладиган бошқа иншоотларга борадиган ўт ўчириш машиналари айланиши учун 12 x 12 м ли майдончалар кўзда тутилади.

4.12 Корхоналарнинг бино ва иншоотлари орасидаги масофа, ўтга чидамлилик даражасига боғлиқ тарзда, 4.2 ва 4.3-жадвалларига мувофиқ қабул қилиниши керак.

#### 4.2 жадвал.

<b>Ўтга чидамлилик тоифаси</b>	<b>Бино ва иншоотларнинг ўтга чидамлилик тоифасига кўра, масофа, м да</b>			
	<b>II</b>	<b>III</b>	<b>IV - V</b>	
II	Ишлаб чикариш тоифаси Г ва Д бўлган бино ва иншоотлар учун меъёр белгиланмайди.  Ишлаб чикариш тоифаси А, Б ва В бўлган бино аа иншоотлар учун (эслатманинг 3-б. қаралсин) – 9 м	9	12	12
III	9	12	15	
IV - V	12	15	18	

**Эслатма:**

- Жадвалда келтирилган бино ва иншоотлар орасидаги масофа ташки дөворлар ёки конструкциялар асосида қабул қилинади.
- Бино ва иншоотларнинг 1 м дан ортиқ чиқиб турган конструкцияси бўлиб, ёнувчан материалдан ясалган бўлса, ортиқ масофа ушибу конструкциялар ўртасидаги энг қисқа масофа хисобланади.

#### 4.3 жадвал.

<b>Омборлар</b>	<b>Омборлар сигими</b>	<b>Бино ва имшоотдарнинг ўтга чидамлилик даражаси. масофа,</b>		
		<b>II</b>	<b>III</b>	<b>IV - V</b>
1. Сомон, пичан ва ҳаказони очик ҳолда сақлаш	Меъёрланмайди	30	39	48
2. Тамаки ва чой баргини, пиллани очик сақлаш	25 т гача	15	18	24

**Эслатма.**

- Материаллар бостирма остида сақланганда жадвалда келтирилган масофа икки баробар камайтирилиши мүкин.
- Жадвалда кўрсатилган масофалар қайд этилган материалларни жойлаштириши учун мўлжассланган майдонча чегарасидан бошлиб белгиланиши лозим.
- Жадвалда кўрсатилган, омборлардан A, B ва Г тоифали шилаб чикаришига эга бино ва иншоотларгача бўлган масофа 25% га кўпайтирилади.
- Жадвалда кўрсатилган омборлардан бошқа ёнувчи материаллар омборигача бўлган масофа IV - V даражали ўтга чидамли бино ва иншоотларгача бўлган масофа каби қабул қилиниши керак.
- Жадвалда кўрсатилган маҳсулотлар очик сақланадиган омборлардан ўрмон чегарасигача бўлган масофа 100 м дан кам бўлмаслаги шарт.
- 4.2 ва 4.3-жадвалларда кўрсатилмаган омборлар ҳамда бошқа бино ва иншоотлардан бўлган масофалар саноат корхоналарнинг бош режсаларини лойҳалашига доир ШНК га, шунингдек, қишилоқ хўжасалиги корхоналарини лойӣҳалашига бевосита ёнгина хавфсизлиги талабларини белгилайдиган ёзинга қарши меъёрлардан фойдаланиши лозим.

## 5. МУҲАНДИСЛИК ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ

5.1 Корхоналарнинг майдонларини муҳандислик нуқтаи назаридан тайёрлаш (ер сатҳини ташкиллаштириш) бўйича тадбирлар муҳандислик-геология ва иқлим шарт-шароитларидан, майдонда жойлаштирилаётган бино ва иншоотларнинг ҳажм-режалаш ечимига кўра белгиланади.

Шу билан бирга, зарурат туғилганда, сув ва сел босишидан, қор кўчкиси, кўчки ва ўпирилишлардан сақлайдиган муҳандислик талабларини ҳам кўзда тутиш зарур.

5.2 Ер сатҳини ташкиллаштириш ҳамда корхоналар, бино ва иншоотлар қурилиш майдонларининг лойиха сатҳини белгилашда ер юзасининг табиий шаклини, мавжуд бино ва иншоотларни, шунингдек, қукаламзорлар ва тупроқ қатламини иложи борича сақлаб қолиш, чукурлик ва кўтармалар ҳажми ўртасидаги тафовутни иложи борича камайтириш имкониятини ҳисобга олмоқ, ёғингарчилик сувларини йиғиш ва корхона ҳудудидан четлатишни таъминлаш лозим.

5.3 Қурилиш майдони зичлиги 25% дан ортиқ бўлганда паст-баландликни ёппасига текислаш ишларини қўллаш, бошқа ҳолларда эса факат бино ва иншоотлар жойлашган қисмларида гина танлаб текислаш ва режалаштириш ишларини амалга ошириш керак.

Текислаш ишларини танлаб бажариш тошли тупроқли ерларда, кўкаламзорларни сақлаб қолиш зарурати туғилганда ҳамда ноқулай гидрогеологик шароитларда ҳам қўлланилади.

5.4 Корхона қурилиши майдонинг қиялиги камидан 0,003 ва кўпидан: лойли грунтлар учун – 0,5;

кумлоқ грунтлар учун – 0,03, ва тез ювилиб кетиладиган грунтлар (лёсс-сариқ тупроқли ерлар, майда қумалр) учун 0,01 деб қабул қилиниши лозим.

II-турдаги чўкма тупроқли шароитда режалаштирилаётган майдон юзаси қиялигини камидан 0,005 деб қабул қилиш керак.

5.5 Жониворлар учун мўлжалланган ихота майдончаларнинг қиялигини камидан 0,02 ва кўпидан 0,06 деб қабул қилиш тавсия этилади.

5.6 Бино ичидағи ем тарқатадиган машина рельсининг юқориги белгиси тоза полнинг баландлигига teng бўлиши керак.

5.7 Корхоналарни қияликлар ёки улар этагида жойлаштиришда юқоридан тушадиган сувлардан муҳофаза қилиш мақсадида, тоғ ёнбағирларида ариқ ёки чукурлар ўтказиб, тоғ ёнбағри ариқлари майдон чегарасига 5 м дан яқин бўлмаслиги керак.

5.8 Корхоналарнинг қурилиш майдонларида сувларни четлатиш очик тармоқларни қўллаган ҳолда, шу билан бирга, кўчатларни суғориш масалалари

ҳам ҳал этилиши керак бўлади. Бунда энг кичик ўлчамли ариқлар ёки зовурлар тубининг кенглиги 0,3 м, чуқурлиги 0,4 м қилиб қабул қилинади.

5.9 Қурилишдан ва йўл қопламасидан бўш ерлар ҳамда майдон атрофи бўйлаб кўкаламзорлаштириш ишларини кўзда тутиш зарур. Кўкаламзорлаштиришга мўлжалланган майдон қишлоқ хўжалиги корхоналарининг 15% ни ташкил этиши, қурилиш зичлиги 50% дан ортиқ бўлганда камида 10% бўлиши керак.

5.10 Корхоналар худудлари ва санитария-ҳимоя зоналари учун кўчатларни уларни санитария-ҳимоялаш ва манзарали хусусиятларига қараб маҳаллий ўсимлик турлари ичидан танлаш лозим.

#### **Эслатма:**

*Ҳавонинг тоза бўлишини талаб этган бинолар зонасида ҳамда ҳаво олии қурилмалари яқинида уруг ва гуллари тузгийдиган дараҳтларни экши ман этилади.*

*Шовқиндан ҳимоя талаб этувчи ишлаб чиқарши обьектлари атрофига тўсиқ сифатида сербарг дараҳтсизон буталар, орасига эса иғнабаргли дараҳтлар ҳам экши керак.*

*Ёнгиндан сақлаши масофаси доирасида иғнабаргли дараҳтларни экши ман этилади.*

5.11. Уч ой давомида шамол тезлиги 10 м/сек дан кучли бўлган жойлардаги корхоналар шамол йўналиши томонидан ҳимоя тариқасида 30 м кенгликдаги дараҳтлари билан тўсилиши лозим.

5.12 Бино ва иншоотлардан дараҳтлар ва буталаргача бўлган масофа 5.1-жадвалга мувофиқ, кўкаламзор ерларнинг эни 5.2-жадвалга мувофиқ қабул қилиниши керак.

5.13 Корхоналарда очиқ дам олиш майдончаларини назарда тутиб, энг гавжум сменадаги хар бир ишловчига 1 м<sup>2</sup> ҳисобидан жой ажратиш лозим.

#### **5.1-жадвал**

Бино ва иншоотлар	Оралиқ масофа, м	
	дараҳтдан	бугадан
Бино ва ишоотларнинг ташқи девори	5,0	1,5
Йўлак ва пиёдалар йўлкасининг чеккаси	0,7	0,5
Йўл чеккасининг маҳкамланган қисми ва ариқлар чети	2,0	1,0
Ёритиш тармоғининг устун ва тирговучлари, бино устунлари, галлерея ва эстакадалар	4,0	—
Қиялик таги, терасса ва бошқалар	1,0	0,5
Тирговуч деворларнинг таги ёки ички қирраси	3,0	1,0
Ер ости тармоқлари:		
газ кувурлари, оқава сув тармоқлари	1,5	—
иссиқлик тармоғи (канал деворидан) ва ер устидан ўтказилган иссиқлик тармоғи кувурлари	2,0	1,0
сув таъминоти кувурлари, дренаж	2,0	—
кучланишли кабеллари ва алоқа кабеллари	2,0	0,7

*Эслатма: Ҳаво орқали ўтган электр тармоқларидан дараҳтларгача бўлган масофа электр қурилмаларини жойлаштириши қоидаларига мувофиқ қабул қилинади (ПУЭ).*

## 5.2-жадвал.

Кўкаламзорлаштириш тасмалари (номи)	кенглиги, м
1. Факат дарахт кўчати экилган ёки дарахт кўчатлари буталар билан аралаш экилган газон:	
а) бир қатор экиш	2,0
б) икки қатор экиш	5,0
2. Бир қатор қилиб буталар экилган газон, баландлиги, м	
а) 1,8 дан баланд	1,2
б) 1,2 дан 1,8 гача	1,0
в) 1,2 гача	0,8
3. Дарахтлар тўп-тўп қилиб экилган газон	4,5
4. Шунинг ўзи, буталар	3,0
5. Газон	1,0

*Эслатма: Буталар кўп қатор қилиб экилганда қатор эни қўшиимча ҳар бир қатор учун жадвалда кўрсатилганидан 40-50 % ошириши керак.*

5.15 Корхоналарнинг ҳудудида бўзилиши, ифлосланиши, сув босиши ва яроқсиз ҳолга келиши мумкин бўлган ерларнинг ҳосилдор катлами олиниб ундан тегишли равишда фойдаланпш зарур.

5.16 Чорвачилик, паррандачилик ва ҳайвонотчиликка ихтисослашган корхоналарнинг ҳудудлари ШНК 2.07.03 га мувофиқ тўсилади.

## 6. МУҲАНДИСЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ

6.1 Бош режани ишлаб чиқишида лойиҳачи-муҳандис муҳандислик тармоқлари ва коммуникацияларни биргалиқда ва ихчам жойлаштириш, ҳар бир бино ва иншоотга улаш имкониятини ҳисобга олиш мақсадида уларнинг ўтиш жойлари чизмасини лойиҳанинг барча бошқа қисмларини ишлаб чиқувчи мутахассислар билан аввалдан келишиб олиши керак.

6.2 Муҳандислик тармоқларини ўтказиш жойни ҳисоблашда ушбу ШНК талаблари ва лойиҳанинг бошқа қисмларини ишлаб чиқувчи мутахассисларнинг тавсияларини ҳисобга олиш зарур.

Бош режани ишлаб чиқишида ушбу ШНК нинг 6.1 ва 6.2-жадвалларида белгиланган маъёrlарни қўллашда амалда бўлган маҳсус ШНК лар ва уларга киритилган ўзгартиришлар инобатга олиниши лозим.

6.3 Ер ости муҳандислик тармоқларидан бино ва иншоотларгача бўлган оралиқ масофа (ёруғликда) 6.1-жадвалда кўрсатилганидан кам бўлмаслиги шарт.

Ер ости муҳандислик тармоқлари ёнма-ён (параллел) ўтказилганида улар орасидаги масофа 6.2-жадвалда кўрсатилганидан кам бўлмаслиги керак.

6.4 Ҳаво электр узатиш (ВЭЛ) тармоқларининг энг чекка симларидан корхона бино ва иншоотларнинг чиқиб турувчи қисмларигача бўлган масофа мутасадди ташкилотлар билан келишилган ҳолда, лекин қуйидагидан кам бўлмаслиги лозим: 20 кв учун – 2 м, 35-110 кв учун – 4 м, 150 кв учун – 5 м, 220 кв учун – 6 м, 330 кв учун – 8 м ва 500 кв учун – 10 м.

## 6.1.-жадвал.

Муданғислик тармоқлари	Ер ости тармоқларидан энига (ёруғлиқда) қуидагиларгача бўлган масофа, м						
	Бино ва иншоотларни пойдеворигача	Тўсик, таянч, эстакада, қувур, ўтказгичлар пойдеворигача	Автомобиль йўллари		Ҳаво электор узатиш тармоқлари таянчларининг пойдеворигача		
			Чекка тошлар, асосий йўл чеграси, йўл чеккасигача	Кюветнинг ташқи чеккаси ёки тупроқ тепаликларигача	1 кв гача ва ташқи ёритиш электор тармоғи	1 кв дан 35 кв гача	35 кв дан юқори
1. Сув ўтказгич ва босимли канализация	5	3	2,0	1	1	2	3
2. Ўзи оқар канализация ва сув оқизгичлар	3	1,5	1,5	1	1	2	3
3. Зовур (дренаж)	3	1	1,5	1	1	2	3
4. Газ ўтказиши қувурлари (ёнувчан газлар)							
а) паст босимли 0,005МПа (0,05 кгс/см <sup>2</sup> ) гача	2	1	1,5	1	1	5	10
б) ўртача босимли 0,005 (0,05) дан юқори 0,3 МПа (3 кгс/см <sup>2</sup> ) гача	4	1	1,5	1	1	5	10
в) юқори босимли 0,3 (3) дан 0,6 МПа (6 кгс/см <sup>2</sup> ) гача	7	1	2,5	1	1	5	10
г) юқори босимли 0,6 (6) дан 1,2 МПа (12 кгс/см <sup>2</sup> ) гача	10	1	2,5	1	1	5	10
5. Иссиқлик тармоғи каналини ташқи деворидан (ёки каналсиз ётқизилган кувурнинг устки қобиғигача)	2	1,3	1,5	1	1	2	1
6. Барча кучланишли кабеллар ва алокা кабеллари	0,6	0,5	1,5	1	0,5*	5*	10*
7. Каналлар, тонеллар	2	1,5	1,5	1	1	2	3

\* Фақат кучланишли кабеллардан бўлган масофага тегишили.

Алокा кабеллардан бўлган масофа мутасадди вазирлик (идора) томонидан тасдиқланган маҳсус меъёрлар бўйича қабул қилинади.

## 6.2 жадвал

Мухандислик тармоқлари	Күйидагилар орасидаги энига масофа (ёргуда), м										
	Сув ўтказиш күвурлари	Канализация	Зовурлар ёки сув оқизгичлар	Ёнувчан газларни утказиш күвурлари				Барча кучланишларга оид кучли кабеллар	Алоқа кабели	Иссиқлик тармоқлари	
				паст босимли 0,005 МПа гача	ўрта босим 0,3 МПа гача	юкори босимли 0,6 МПа гача	юкори босимли 1,2 МПа			канал ва тонелларнинг ташки девори	каналсиз ётқизилган күвурнинг устки қобиги
1. Сув ўтказиш қүвурлари	1,5	(2-ac.)	1,5	1	1	1,5	2	0,5*	0,5	1,5	1,5
2. Оқава сувлар канали	(2 ac)	0,4	0,4	1	1,5	2	5	0,5*	0,5	1	1
3. Зовур ва сув оқизгичлар	1,5	0,4	0,4	1	1,5	2	5	0,5*	1	1	1
4. Ёнувчан газ ўтказувчи күвурлар											
а) паст босимли 0,005МПа (0,05 кгс/см <sup>2</sup> ) гача	1	1	1					—	1	1	2
б) ўртача босимли 0,005 (0,05) дан юкори 0,3 МПа (3 кгс/см <sup>2</sup> ) гача	1	1,5	1,5					—	1	1	2
в) юкори босимли 0,3 (3) дан 0,6 МПа (6 кгс/см <sup>2</sup> ) гача	1,5	2	2					—	1	1	2
г) юкори босимли 0,6 (6) дан 1,2 МПа (12 кгс/см <sup>2</sup> ) гача	2	5	5					—	2	1	4
5. Барча кучланишли кабеллар ва алоқа кабеллари	0,5*	0,5*	0,5*	1	1	1	2	0,1-0,5*	0,5	2	2
6. Иссиқлик тармоқлари (ёки)											
а) Тоннел каналининг ташки девори	1,5	1	1	2	2	2	4	2	1	—	—
б) каналсиз ётқизилган тармоқнинг устки қобиги	1,5	1	1	1	1	1,5	2	2	1	—	—
7. Алоқа кабеллари	0,5	0,5	0,5	1	1	1	1	0,5	—	—	1

\* ПУЭ талаблериға мувоғиқ

Эсламма:

1. Оқава сувлари канатидан (канализация) хұжатик-ичимлик суви қүвурларигача бұлған масофа қүйідағи каби отиншии керак: лойлы ерлардан ўтказылған темирбетон ва асбестоцементти сув қүвурларигача – камида 5 м; яхтит қаттық, ва құмлюқ ерларда – камида 10 м; диаметри 200 мм гача бұлған чүян сув қүвурларигача – камида 5 м; диаметри 200 мм дан ошиқ қүвурларгача – камида 3 м, пластмасса сув қүвурларигача – камида 1,5 м.

Оқава сув тармоқлари ва ишлаб чықариии сув құвурлари орасидаги масофа, құвурларнинг материалы ва диаметри ҳамда түри ва сифатидан қаттый назар – 1,5 м дан кам бўлмаслиги шарт.

2. Батта зөвурда иккита ва ундан ортиқ ёнувчан газ құвурларини биргә жойлаштиришида улар орасидаги (ёргулекда) масофа диаметрига кўра қўйилдагича бўлиши лозим: 300 мм гача – камида 0,4 м; 300 мм дан ошиқ бўлганда – камида 0,5 м.

3. Жадвалда нўжат газ құвурларигача бўлган масофа кўрсатилган. Металдан бўлмаган ерости газ құвурларни ШНКнинг ички ва ташки газ таъминоти қўрилмаларини лойиҳалаш бобига биноан жойлаштириши кўзда тутилади.

**Қишлоқ хұжалиги корхоналари**  
**қурилиши майдони әнг қам зичлиги күрсаткичлари**  
(янги қурилаётган ва қайта тикланаётган объектлар учун)

Қишлоқ хұжалиги корхоналарини номи	Курилиш майдонинг зичлиги, %	Қишлоқ хұжалиги корхонасینинг қувваты
<b>1. Йирик қорамолчилик:</b>		
Сут фермалари (фермерларга қарашли)	40-45	30-50 сигир
Шунинг ўзи (жамоа хұжалигига қарашли, боғловда тутилади)	51-55	400-800 -"-
Шунинг ўзи (эркін тутилади)	53-60	800-1200 -"-
Йирик қора молчилик. Молларни гүштга боядиган (репродуктор) фермалар (ем-хашак ва түшамалар айвонларда сақланади )	52	800-1200 бөш
Шунинг ўзи (ғараларда сақлаган ҳолла)	35	-"-
Йирик қора молларни бүрдоқига боқиши	32-43	1000-12000 -"-
Бузоқ парваришкаш, ёш молларни ўстириш ва бүрдоқига боқиши	41-46	3000-12000 -"-
Бүрдоқига боқиши майдончаси	62-71	2000 30000 -"-
Наслдор, сут учун боқиладын моллар	45-55	400-800 -"-
Наслдор, гүштга боқиладын моллар	40	400-800 -"-
Наслдор бузоқларни парвариш килиши	52-57	1000-4000 -"-
<b>2. Чүчқачалик фермалари:</b>		
- репродуктор (наслдор)	36-47	4000-24000 -"-
- бүрдоқига боқиши	32-43	2000-24000 -"-
- наслдор чүчқаларни боқиши	38-50	100-600 -"-
- дехконларга қарашли	25-30	30-200 -"-
<b>3. Битта майдонда боқиладын қүй фермалари:</b>	95-75	2500-1000 -"-
Шунинг ўзи, дехконларнинг пода тазими - тугалланған бурдоқичилик фермаси хизмат күрсатадын умумфермер корхоналари	40-50	5000-15000
<b>4. Ҳайвонотчилик (ўрчиши, ўстириш ва ҳ.к.)</b>	21	—
<b>5. Қоюнчилик</b>	22	—
<b>6. Паррандачилик:</b>		
Тұхум учун боқиладын паррандалар	28-32	200-300 минг бөш
Ёш паррандалар зонаси	30-32	400-600 минг бөш
Она паррандалар галаси	34	
Инкубаторий зонаси	24-39	
Шунинг ўзи, гүштга боқиладын бройлерлар	43-48	3-10 млн. бөш.
Үрдак фермалари	24-40	5 тыс.-1 млн. бөш
Куркачилик фермалари	22-30	250-500 минг бөш
<b>7. Йилқиличик (қимиз учун боқилади)</b>	38-40	15-150 йилқи
<b>8. Күп тармоқлы иссиқхоналар</b>	54-64	6-48 га
Шунинг ўзи, (ангарсимио)	41	5 га
<b>9. МТУ – марказий тузатиши устахоналари</b>	25-35	25-200 трактор
Тузатиши базалари, устахоналар	30-38	10-30
<b>10. Қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари</b>	50	—
11. Шунинг ўзи, кучли ем-хашак аралашмаси ишлаб чиқариш ва уруғлик донни сақлаш корхоналари	28	—

Эслатма:

*1. Майдондаги қурилиш эң кам зичлигини камайтиришига (техник-иктисодий асослар бўлган ҳолларда) аммо мазкур иловада ўрнатилганидан 10%, қишиюқ хўжасиги корхоналари қурилиши майдонларининг низоблиги 3% дан ортиқ бўлган чўкувчан грунтларда ва мухандис-геологик шароити мураккаб ерларда руҳсат этилади.*

2. Қиылқұқ хұжасатқ қорхоналары майдоннның зияреттерінде күштілік майдоннаның қорхона  
урумий күштілік майдонига нисбати сифатыда фойзларда аниқланади.

*3. Бино ва иништеплар эгаллаган майдонлар ҳисоби тасиқи деворлар сирти бүйнча режалаштырылган ер сатхы даражасида девор атрофи түшшамалари кенглигини ҳисобга олинган ҳолда қилинаади.*

4. Корхонанинг курилиши майдонига ҳар турдаги бино ва инициотлар жойлашган барча майдонлар киритилиб, жумладан:

айвонлар, очиқда үрнатылған технологиялар және сантехниканың көмекшілігіндең маңыздылығы;

*эстакада ва галлериялар жойлашган майдонлар;*

*юк ортиши-тушириши күрілма майдончалары;*

ер ости инишоотлари (устидә бино ва инишоотларнинг жойлаштирилиши мумкин бўлмаган ҳавза, ертула ер ости боштапалари, ер ости йўллари, мухандислик коммуникациялари) ҳамда чорба, парранда ва ҳайвонлар учун майдончалар;

*автомобиль, қашып көрінген машиналардың жойлары;*

*турли мақсадларда ишлатыладыган очиқ омборлар, яйловлар.*

Автомобиль тұхтаси жойлары майдонлар өн очық омборхоналарни ускуналари өн үлчамлары технологик лойихалаштириши мезерларига күра қабул қылғаннан шарты билан.

5. Шунингдек, қурилишининг иккинчи наебатига белгиланган бино ва инициаторларни жойлаштириши учун лойиҳаласи топишригида кўрсатилган заҳира майдонлар ҳам қурилиши майдони таркибига киритилиши керак (кўрсатилган бино ва инициаторларнинг камтатиги – габарити мижъесида).

6. Эстакада ва галлереялар эгаллаган майдонларни ҳисоблашда қурилиши майдони таркибиға ҳажміга күра бошқа бино ва инициоитларни жойлаштырыб бўлмайдиган объект қисмларининг (участка) горизонтал текисликка тушган проекцияси киритилади, бошқа ер устка қисмлари учун эса фантом конструкция устунлари эгаллаган майдон ер сатхининг режиссалаштирилган баландлигидага ҳисобланади.

7. Курилиши майдони таркибига бино ва инишоотларнинг девор атрофи тўшамаси (отмостка), йўлакчалар, автомобиль йўллари, вақтинча қурилган бино ва инишоотлар очиқ майдончалар, дам олии майдончалари, кўжаламзорлаштирилган ерлар, фуқаро транспортни учун қурилган очиқ тўхтаси жойлари, сувни четлаштирувчи ва бошқа ариқлар, тирговуч деворлар, устига бошқа бино ва инишоотлар қурилиши мумкин бўлган ер ости инишоотлари ёки уларнинг қисмлари қўшилмайди.

**Атроф-мухит мухофазаси бўйича тавсия  
 этилган материаллар**

Атроф-мухит мухофазасига доир тавсия этилган материаллар:

1. Атроф-мухитнинг асосий хусусиятлари таърифига оид:
  - 1.1. Атроф-мухитга антропоген таъсир курсатадиган мавжуд манбалар.
  - 1.2. Ҳолати:
    - ҳаво атмосфераси;
    - ер усти ва ер ости сувлари;
    - тупроқ;
    - ер қаъриси;
    - усимликлар ва ҳайвонот олами;
    - ландшафти (ер юзини тўзилиши).
  - 1.3. Ижтимоий-иктисодий жабҳалар.
  - 1.4. Аҳолининг саломатлиги (соғлиги) ҳолати.
2. Муаммоли зоналарни аниқлаган ҳолда кўриб чиқилаётган ҳудудда атроф-мухитнинг ҳозирги ҳолати.
3. Ҳудудни ривожлантириш бўйича лойиха вариантининг лойиҳавий ечимлари вариантларини таҳлилий тавсифи.
4. Ҳудуддан муқобил фойдаланиш вариантларини баҳолаш ва таҳлил килиш.
5. Кўриб чиқилаётган ҳудудда иқтисодиёт тармоқлари ривожланишининг қабул қилинган кўламига мувофиқ атроф-мухит ҳолатининг ўзгаришини аввалдан баҳолаш.
6. Атроф-мухитга салбий таъсирнинг олдини олишга қаратилган асосий вариантлар бўйича таклиф ва ечимлар:
  - муҳандислик;
  - технология;
  - меъморий-режалаштириш;
  - шахарсозлик ва ҳ.к.
7. Атроф мухитни соғломлаштиришнинг истиқболли дастури.
8. Кўриб чиқилаётган ҳудуднинг экологик харитаси.

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>1. Умумий қоидалар</b>	<b>3</b>
<b>2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жойлашуви</b>	<b>4</b>
<b>3. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бош режалари</b>	<b>7</b>
<b>4. Бино ва иншоотлар орасидаги масофалар, чиқиш, ўтиш йўллари</b>	<b>11</b>
<b>5. Муҳандислик тайёргарлик ишлари ва ободонлаштириш</b>	<b>14</b>
<b>6. Муҳандислик тармоқларини жойлаштириш</b>	<b>16</b>
<b>1-ИЛОВА. Қишлоқ хўжалиги корхоналари қурилиши майдони энг кам зичлиги кўрсаткичлари</b>	<b>20</b>
<b>2-ИЛОВА. Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тавсия этилган материаллар</b>	<b>22</b>

